


Сен билан фаришталарга фахрландим



12:40 / 24.01.2022 2668

Қироат имомларидан бири имом Кисойнинг дарс ҳалқасида одамлар кўпайиб кетди. Уларни жамлаб Қуръонни уларга мукамал ўқиб берди. Кисой уларга Қуръонни ўзининг қироати асосида ўргатди. У айтади:

«Эртаси Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни тушимда кўрдим. У киши мендан сўрадилар:

- Сен Кисоймисан?
- Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!
- Али ибн Ҳамзамисан?
- Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!
- Кеча сен умматимга Қуръонни ўқитдингми?
- Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули!
- Менга ҳам ўқиб бер!

Тилимга «Вассоффаати соффаа» келди. Уни тугатганимда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга дедилар:

- Сен билан фаришталарга фахрландим!»

Абдулқодир Полвонов саҳифасидан олинди